


ISSN 2181-0000
Doi Journal 10.26739/2181-0000

JOURNAL OF MAMUN SCIENCE



Volume 4, Issue 2 **2026**

«MA'MUN SCIENCE» JURNALI

4 JILD, 2 SON

ЖУРНАЛ «MAMUN SCIENCE»

TOM 4, HOMEP 2

JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

VOLUME 4, ISSUE 2



«MA'MUN SCIENCE» JURNALI

ЖУРНАЛ «MA'MUN SCIENCE» | JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

№2 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0000-2026-2>

Бош мухаррир: | Главный редактор:
Chief Editor:

Matyakubov Umidjon Raximovich
(i.f.d., prof.)

Бош мухаррир ўринбосари: | Заместитель
главного редактора: | Deputy Chief Editor:

Xudoynazarov Egambergan Madrahimovich
(PhD., dots.)

TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI | EDITORIAL BOARD | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

FILOLOGIYA FANLARI

O'rozboyev Abdulla Durdibayevich

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Axmedov Oybek Saporboyevich

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

Galiyeva Margarita Rafaelovna

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

Nasrullayeva Nafisa Zafarovna

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Samarqand davlat chet tillari instituti

Cho'ponov Otanazar Otojonovich

Filologiya fanlari doktori (DSc)

Urganch davlat universiteti

Yakubova Matluba Tajibayevna

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

Matnazarov Javlanbek Kabulovich

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

TARIX FANLARI

Anatoliy Sagdullayevich Sagdullayev

Tarix fanlari doktori, professor; akademik

O'zbekiston Respublikasi Fanlar

akademiyasining haqiqiy a'zosi

Ashirov Adhamjon Azimbayevich

Tarix fanlari doktori, professor,

O'zbekiston Respublikasi

Fanlar akademiyasi Tarix instituti.

Shaydurov Vladimir Nikolayevich

Tarix fanlari doktori, dotsent

Leningrad davlat universiteti Rossiya

Abdullayev Utkir Ismoilovich

Tarix fanlari doktori (DSc),

dotsent Urganch davlat universiteti

Matkarimova Sadoqat Maqsudovna

Tarix fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Abdullayev Timur Pulatovich

Tarix fanlari nomzodi, dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Abdalov Umidbek Matniyazovich

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),

Dotsent Ma'mun Universiteti NTM

Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),

Dotsent Ma'mun Universiteti NTM

PSIXOLOGIYA FANLARI

Shoumarov G'ayrat Baxromovich

Psixologiya fanlari doktori, professor; akademik

O'zbekiston Respublikasi

Fanlar akademiyasining haqiqiy a'zosi

Kryukova Tatyana Leonidovna

Psixologiya fanlari doktori, professor

Kostroma davlat universiteti Belorusiya

Karpinskiy Konstantin Viktorovich

Psixologiya fanlari doktori, professor

Grodno davlat universiteti Belorusiya

Urazbayeva Dilbar Abdullayevna

Psixologiya fanlari doktori (DSc), professor

Ma'mun Universiteti NTM

Jumaniyazova Nasiba Ramatillayevna

Psixologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Nurullayeva Baxtigul Bobojonovna

Psixologiya fanlari nomzodi, dotsent Ma'mun

Universiteti NTM

IQTISODIYOT FANLARI

Ruzmetov Baxtiyar

Iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ma'mun Universiteti NTM

Sherov Alisher Bakberganovich

Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor

Ma'mun Universiteti NTM

Voronsova Yuliya Vladimirovna

Iqtisodiyot fanlari nomzodi

Moskva davlat boshqaruvi universiteti

Jabborov Umarbek Rustambekovich

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

Cho'ponov San'at Otanazarovich

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

Niyazmetov Islambek Masharipovich

Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

PEDAGOGIKA VA FALSAFA FANLARI

Sardor Sharifzoda O'razboy Tabib o'g'li

Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), professor

Ma'mun Universiteti NTM

Adilov Zafar Yunusovich

Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

Boltayev Abdurahim Amanovich

Falsafa fanlari doktori, dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Zoirov Erkin Xalilovich

Falsafa fanlari doktori, dotsent

Buxoro davlat texnika universiteti

Nurullayeva Baxtigul Bobojonovna

Psixologiya fanlari nomzodi, dotsent Ma'mun

Universiteti NTM

TIBBIYOT FANLARI

Yuldashev Baxrom Sobirjanevich

Tibbiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Abdullayev Ravshanbek Babajonovich

Tibbiyot fanlari doktori, professor

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

Esamuratov Aybek Ibragimovich

Tibbiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

Samandarova Barno Sultonovna

Biologiya fanlari nomzodi, dotsent

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

Tajiyeva Zebo Baxodirovna

Tibbiyot fanlari falsafa doktori (PhD)

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

ILMIY JURNAL TEXNIK KOTIBI

Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li

Ma'mun Universiteti NTM

Журнал включен в перечень ВАК национальных научных изданий, рекомендуемых для публикации
основных научных результатов диссертаций по медицинским наукам постановлением
№ 01-08/3068/17 от 27 сентября 2024 г.

Page Maker | Верстка | Саифаловчи: X. Mirzaxmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

FILOLOGIYA

1. **Djumanova Dilbar Raximovna, Bakiyeva Gulandom Xisomovna, Yuvasheva Shoiraxamamadovna**
MAQOLLARNING GENDERLIK: RUS VA INGLIZ TILLARIDA OILAVIY MUNOSABATLAR SEMANTIKASI.....6
2. **Xajiyeva Difuza Adambayevna**
HAMID OLIMJON SHE'RIYATIDA TABIAT TASVIRI: BAHOR, TOG' VA TUN POETIK SEMANTIKASI.....12
3. **Эргашева Дилфуза Камиловна**
ЦЕННОСТНЫЕ ТРАНСФОРМАЦИИ В СОВРЕМЕННОЙ РУССКОЙ ЖЕНСКОЙ ПРОЗЕ.....17
4. **Grigoryeva Mariya Vitalyevna**
RUS VA O'ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGIDA XRONOTOP (FAZOVIY KONFIGURATSIYA) NING BADIY VA FUNKSIONAL XUSUSIYATLARI.....21

TARIX

1. **Abdullayeva Laylo**
O'RTA SINFNING SHAKLLANISHI VA UNING TARIXIY-NAZARIY ASOSLARI.....25
2. **SHeripov Umarbek Atajanovich**
MARKAZIY OSIYODA SUV XAVFSIZLIGI MUAMMOSI VA SIBIR DARYOLARINI BURISH LOYIHASI: TARIXIY TAJRIBA VA ZAMONAVIY GEOSIYOSIY TAHLIL.....30
3. **Kamolova Habiba Muhammadiyevna**
AMIR TEMUR VA SHAHRISABZ: TARIXIY MEROS VA ZAMONAVIY TARAQQIYOT....34
4. **Allaberganov Ollabergan Arslanbekovich**
1945–1956-YILLARDA XORAZM VILOYATIDA PENSIYA TA'MINOTI (YUTUQ, KAMCHILIK VA TAFOVUTLAR).....38
5. **Matyakubova Shaxodat Xamidjanovna**
V–XI ASRLARDA JANUBIY OROLBO'YI HUDUDIDA AHOLI TURAR-JOYLARINING MADANIY-XO'JALIK RIVOJI VA IQTISODIY-ETNOMADANIY MUNOSABATLAR (XORAZM ARXEOLGIK TADQIQOTLARI ASOSIDA).....43
6. **Jumaniyazova Intizor To'likovna**
MAMLAKATIMIZDA DINIY TA'LIM VA UNING HUQUQIY ASOSLARI.....48
7. **Alimova G'unchaxon Baxodirovna**
ARAB MUHAMMADXON VA UNING AVLODLARI DAVRIDA XIVA XONLIGINING MUSTAHKAMLANISHI.....52
8. **Г.А. Дадамирзаева**
УЗБЕКИСТОНДА ХУНАРМАНДЧИЛИК КООПЕРАЦИЯСИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ.....56
9. **Mamasaidov Lutfillo Payzullo o'g'li**
TA'LIM TIZIMIGA KOMMUNISTIK G'OYALAR TATBIQI VA UNING IJTIMOIIY OQIBATLARI.....63
10. **Matkarimova Intizor Atabayevna**
AHOLINI RO'YXATGA OLIHNING JAHON TAJRIBASI.....69

FALSAFA

1. **Nurmatov Jaxangir Yeshbayevich, Turobov Bekpulat Nusratullayevich**
E.E.BERTELS ASARLARIDA NAVOIY MA'NAVIIY MEROSI TAHLILI.....76
2. **Bozorov Mustafu Jabborovich**
MIGRATSIYA JARAYONINING GENEZISI: IJTIMOIIY-FALSAFIY TAHLIL.....82

Г.А. Дадамирзаева

PhD, dotsent

Наманган давлат университети Тарих кафедраси

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХУНАРМАНДЧИЛИК КООПЕРАЦИЯСИНING ТАШКИЛИЙ-
ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ**<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.19007652>

Аннотация: Мақола кооператив ҳаракатнинг бир жиҳати яъни Ўзбекистонда унинг ташкилий-қурилиш жараёнининг бориши ва ўзига хос томонларини ёритиб беришга бағишланган. Унда маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида кооператив мулкни расмийлаштириш ва унинг моҳияти, тарихнинг узоқ даври давомида шаклланиб келган хунармандчиликнинг хусусиятларининг ўзгариши ёритилади. Бундан ташқари хунармандчилик кооперациясининг фаолиятининг асосий йўналишлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Кооператив, артел, кооперация, хунармандчилик кооперацияси, ишлаб чиқариш, совет ҳокимияти, уюшма, субсидия, кредит, ташкилий-инструкторлик бўлими, солиқ, Ўзаро ёрдам кассаси, “Спартак”

Кириш Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда турли хил мулк шакллари яратиш, уларни самарали қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кооператив корхоналар аҳолини кенг истеъмол моллари билан таъминлашда ва ижтимоий муносабатларни барқарорлаштириш ҳамда юксалишда йилдан-йилга долзарб бўлиб бормоқда. Ислохотлар жараёнида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» каби вазифаларни белгиланиши Ўзбекистонда кооперация тизимини ривожлантиришга асос бўлди. Бу борада амалга оширилаётган ўзгаришлар, хусусан, ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги бирлашмаларида мустақил ва ўзаро боғлиқ корхоналар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг кооперацион бирлашиши институтини яратиш, маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг кооперациясини ривожлантириш каби масалаларни ҳал этишда тарихий тажриба муҳим аҳамият касб этади. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда хунармандчилик кооперациясининг ташкилий-қурилиш жараёни масалаларини янги методологик нуқтаи назардан тадқиқ этилиши қўйилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Метод. Тадқиқотнинг методологик асосини қатор илмий методлар ташкил этди. Улардан энг муҳими тарихийлик ва объективлик бўлиб, тарихий жараённинг ёритишда далиллар ва ҳужжатларнинг устуворлиги, бир томонлама ёндашувдан воз кечиш, турли нуқтаи назарларни акс эттирувчи манбаларни кенг жалб этишга асосланади. Тарихийлик эса хунармандчилик кооперациясини яқка ҳолдаги ҳодиса сифатида эмас, балки Ўзбекистон

ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётининг таркибий қисми сифатида ўрганишни назарда тутди. Бу жараёнда тадқиқот хронологияси воқеаларнинг сабаб ва оқибатлари ҳамда ўзаро боғлиқлигини чуқурроқ аниқлаш имконини беради.

Натижалар. Ўрта Осиё миллий-худудий чегараланиши натижасида ЎзССР ташкил этилгандан сўнг, 1924 йил октябрь ойида Ўзбекистон ҳунармандчилик уюшмаси ташкил этилди. Унинг таркибига Ўзбекистонда мавжуд бўлган барча ҳунармандчилик артеллари киритилди. Ўша даврда артеллар сони 274 та бўлиб, уларда 1604 нафар аъзо мавжуд эди. Бироқ етарли тажриба ва кадрлар йўқлиги сабабли, янги уюшмани ташкил этишда қатор қийинчиликлар юзага келди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги кооперацияси тизимида алоҳида ўрин тутган устахоналарнинг мавжудлиги, уларнинг ҳунармандчилик кооперацияси таркибига киритилмасдан, икки турли кооперация — қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик кооперацияси ўртасида тақсимланиши, шунингдек, ўзбек косиб-ҳунармандларининг уюшмаганлиги, ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва маҳаллий шароитларни етарлича ҳисобга олмаслик натижасида, ишнинг бошланғич даврида бир қатор камчиликлар кузатилди. Шу сабабли, бу ҳолатдан чиқиш учун тегишли органлар томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Натижада, 1925 йил июнь ойида Ўзбекистон ҳунармандчилик кооперацияси қошида ташкилий бюро ташкил этилди. Унга ҳунармандчилик кооперациясини ривожлантириш, уни халқ хўжалиги тизимида жорий этиш вазифаси юклатилди. Юзага келган катта қийинчиликларга қарамай, ташкилий бюро ўз ишини давом эттирди. 1925 йил 1 октябрда ҳунармандчилик кооперативлари таъсисчилари курултойи чақирилди ва 4 октябрда Ўзбекистон косиб-ҳунармандчилик кооперацияси таъсис этилди. Бу вақтга келиб, Ўзбекистонда ҳунармандчилик кооперацияси тизимида 8 та йирик уюшма, 283 та артел ва 8723 нафар аъзо мавжуд эди. Улар томонидан турли манбалардан жами 15,672 рубль ва ҳукумат субсидияси сифатида 110,000 рубль ажратилгандан сўнг артеллар 1925 йил 5 ноябридан бошлаб мустақил операциялар юрита бошладилар[10; Б.3]. Кооперация ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, ўзини-ўзи бошқарувчи ихтиёрий уюшмаларнинг мажмуидир. Ушбу уюшмалар умумий мақсадларга эришиш учун иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида аъзолар томонидан пай ҳиссаси сифатида киритилган моддий ва пул маблағларидан биргаликда фойдаланади.

Умуман, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ҳамда хом ашё билан таъминлаш масаласи юзасидан мавжуд маълумотларга қараганда биз қуйидаги ҳолни кўрамиз. Ҳунармандлар сони 1917 йилга қиёсан ва айниқса 1913 йилга қиёсан 1920 йилда жуда ҳам камайган. Шу билан бирга, камчил хом ашё билан ишлайдиган тармоқлар анча ортда қолди. Лекин 1925 йилдан бошлаб ҳунармандчилик саноати кучли равишда ўса бошлаб, 1926-1927 йилда тикланиб олишгина эмас, балки 1913 йилги даражани ҳам қувиб етди. 1929-1930 йилдан бошлаб эса ҳунармандчилик ишлаб чиқаришинини анча қисқарганини кўриш мумкин. Унинг кучли суръатда ўсишига бир талай сабаблар ёрдам қилди ва улардан бири хомашё билан таъминлашдир. Қишлоқ хўжалиги хом ашё базаси давлат томонидан режали тайёрлашлар ишларига олинмаган ва кооператив ҳамда давлат савдоси тўлиқ йўлга қўйилмаган ҳамда ташкил бўлмаган вақтда ҳунармандлар ҳам хом ашё билан таъминланиши юзасидан кенг имкониятларга эга эди. Улар ўзларига керак бўлган хом ашёнинг 33 фоизини хусусий савдогарлардан ва 35 фоизини бевосита аҳолидан, ниҳоят қолган 32 фоизини давлат савдоси ва кооперация орқали сотиб олар эдилар. Давлат томонидан хом ашё тайёрлаш ишлари ва давлат ҳамда кооперация савдоси ташкил қилиниши, давлат енгил саноатининг ўсиши, ишсизликнинг тугатилиши ва қишлоқ хўжалигининг коллективлаштирилиши натижасида ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг юксалиш ҳамда хом ашё билан таъминланиш шартлари ҳам ўзгарди. Ҳукумат томонидан хусусий суръатда ишлаш ман қилиниши натижасида ипак ишлаш ва кейинроқ тери ишлаш ҳам бутунлай деярли тўхтаб қолган бўлса, кетмончилик, тунукасоzлик, этикчилик, тикувчилик, телпакчилик, дурадгорлар, арқон ишловчилар, кулолчилик ва бошқа шундай бир қатор ҳунарлар ишлашда давом этдилар. Якка ҳунармандлар хом ашёни бошқа шарт ва баҳоларда олишига қарамай, бир талай ишлаб чиқаришларда ҳунар-санъат кооперацияси томонидан етиштирилган

махсулот баҳолари якка хунармандлар маҳсулот баҳоларидан бир мунча юқори бўлганлиги ҳам кўринади[1;Б.4].

Тикланиш даврида хунармандчилик соҳаларининг ривожланиши Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётининг энг муҳим омилларидан бири бўлди. Совет давлатининг иқтисодий сиёсатининг асосий вазифаларидан бири мамлакатда хунармандчилик саноатини давлат ва кооператив хўжалик билан янада яқин боғлаш эди. Бу жараёнда хунармандларни кооперативлаштиришни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ССР ХКС 1927 йил 12 июлда махсус қарор қабул қилди. Ушбу қарорда косиб-хунармандчилик ишлаб чиқаришини иттифоқ миқёсидаги ва импорт қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда хом ашё билан режали тарзда таъминлаш кўзда тутилган эди. Шунингдек, кооперативлаштирилмаган хунармандларни улар билан олдиндан тузилган шартномалар асосида ишлаб чиқаришни умумий таъминлаш режасига киритиш ҳам тавсия этилган эди[9;Б.36-37]. Қабул қилинган қарорлар ва қўрилган чор-тадбирларга қарамай хунармандчилик ишлаб чиқаришини хом ашё билан таъминлаш муаммолигича қолаверди. Хунармандлар учун давлат саноати томонидан ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш ҳам мавжуд бўлмаган. Бу алоқаларнинг йўқлиги фабрика- завод саноатининг суст ривожлангани ва хунармандчилик ишлаб чиқаришига етарли эътибор берилмагани билан изоҳланади. Айрим ҳоллардагина бундай имкониятлар юзага келди жумладан, Москвадаги “Қизил Шарк” трести орқали хунармандларни ип билан таъминлаш бўйича алоқа ўрнатилди. Ўзбекистонда хунармандчилик саноатининг меъёрида ва режали ривожланишини таъминлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, маблағлар чекланган шароитда биринчи навбатда иқтисодиёт учун энг катта аҳамиятга эга бўлган касбларга эътибор қаратиш лозим. Бундай касблар қаторига металлга ишлов бериш (қишлоқ хўжалиги инвентарлари ва асбоб-ускуналарини тайёрлаш), текстиль соҳаси (пахта ва ипак тўқиш, ипак ва матони бўйаш)[11;Б. 33], ёғочни қайта ишлаш (юк ташиш воситаларини тайёрлаш), этикдўзлик, терини қайта ишлаш, наMAT (кигиз) ишлаб чиқариш, гиламчилик киритилди. Ўзбекистон учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган ўлка сифатида, маҳаллий қишлоқ хўжалиги инвентарининг замонавий турлари ва шакллари ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришда металлни қайта ишлаш касблари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эди. Қишлоқ хўжалиги инвентари фақат Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади ва унинг хилма-хиллиги туфайли, алоҳида ҳудудлар талабларига мувофиқ равишда, уни иттифоқ йирик заводларида ишлаб чиқариш мумкин эмас. Швециядан кетмонлар олиб кириш амалиёти муваффақиятли бўлмади. Маҳаллий истеъмолчи кетмоннинг нафақат шакли ва оғирлигига, балки унинг сифатига ҳам талаб қўяди. Бу даврда қишлоқ хўжалиги инвентарини ишлаб чиқариш бутунлай хунармандлар қўлида жамланган эди. Ер ислохотини ўтказиш ва деҳқонларни ер билан таъминлаш қишлоқ хўжалиги инвентарини ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ўз вақтидаги ва зарур чора сифатида қўйди. Тўқимачилик касбларига келганда, Ўзбекистонда пахта-мата етишмаслиги ва пахта етиштириш ривожланган шароитда ишлаб чиқариш жараёнини рационаллаштириш ва уни янги ривожланиш йўлига йўналтириш зарур. Тўқимачилик ишлаб чиқариш жараёнининг мавжуд техник даражасида, хунарманд усулида тайёрланган ипдан мато тўқиш давлат нуқтаи назаридан умуман рентабелли эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Чунки хунарманд усулида ип тайёрлашга сарфланадиган шу миқдордаги пахтадан механик ишлаб чиқариш шароитида икки баробар кўп ип ишлаб чиқариш мумкин эди[11; Б.34]. Пахта етиштиришни ривожлантириш учун текстиль касбларини ривожлантиришнинг режали йўлини жорий этиш зарур эди. Ёғочни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш темир йўл алоқаларининг суст ривожлангани билан изоҳланди. Ёғочни қайта ишлаш соҳасида хунармандларнинг асосий қисми маҳаллий турдаги аравалар, телегалар тайёрлаш билан банд эди. Миллий характерга эга бўлган пойабзал ишлаб чиқаришда ва Ўзбекистонда Европа пойабзали билан етарлича таъминланмаган шароитда, этикдўзлик ва теричилик касблари Иттифоқнинг бошқа республикаларига нисбатан алоҳида аҳамият касб этади. Давлат саноати орқали бозорни тери буюмлари билан таъминлаш ҳажми бор-йўғи 10

фоизни ташкил қилади, қолган 90 фоиз таъминот эса ҳунармандчилик ишлаб чиқариши хиссасига тўғри келди. Ўз аҳамияти жиҳатидан гиламчилик касби алоҳида ўрин тутар эди. Фуқаролар уруши даврида, хом ашё билан таъминлаш (айниқса бўёқлар билан) тўхтагани сабабли, ушбу касб инқирозга учради. Урушдан олдинги даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида гиламчилик билан 40 000 нафарга яқин гиламчи шуғулланган ва бир йилда 15 000 тагача гилам ишлаб чиқарилган. Гиламчилик саноатини қайта тиклаш, гиламларни ҳам иттифоқ бозорларига, ҳам хорижга экспорт қилиш мақсадида, камида 300 000 рубль миқдорида маблағ сарфлаш белгиланди. Бундан ташқари ҳунармандчилик кооперациясини ва унинг соҳаларини ривожлантириш мақсадида хом ашё билан таъминлаш; кредитни ташкил этиш; ҳунармандчилик касбларини механизация қилиш; маҳаллий аҳолидан ҳунармандчилик кооперацияси учун ишчи кадрларни тайёрлаш режалаштирилди[11;Б. 35].

Кооперация ва давлат саноати хусусий капитални халқ хўжалигидан сиқиб чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Тошкент майда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг Ўрта осий типик маркази бўлиб, у ўз навбатида эски шаҳар қисмида тарихан шаклланган ишлаб чиқаришни деярли ўзгаришсиз ҳолда сақлаб қолган, янги шаҳарда эса Европа маданияти таъсирига учраган эди. Бироқ бошқа шаҳар саноат марказлари билан таққослаганда, Тошкент ҳунармандчилик саноатининг ривожланиш даражаси жиҳатидан анча юқори поғонада турган. Шаҳарнинг майда ишлаб чиқариш маҳсулотлари унинг чегараларидан анча узоққа яъни бутун дунё бозорларига чиқарилар эди. Тошкент аравалари Еттисувга, эгарлар ва металл буюмлар эса бутун ўлка бўйлаб сотилган. Маҳаллий ҳунармандлар Фарғона, Туркменистон каби ҳудудларни ярим тайёр маҳсулотлар билан яхши таъминлар эдилар, Тошкентнинг ҳунармандчилик ишлаб чиқариши давлат саноати маҳсулотлари билан бир қаторда, бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби, кенг ривожланиш учун барча шарт-шароитларга эга эди. Янги шаҳар ҳамда айнқса эски шаҳар ҳунармандлари орасида олиб борилган кенг қўламли ишлар туфайли, якка тартибда ишловчи ҳунармандларни артелларга бирлаштириш кенг қўлам олди. Масалан, 1923 йилга қадар Тошкентда артеллар санокли бўлган бўлса, 1925 йилга келиб уларнинг сони 130 тага етиб, 827 нафар аъзони қамраб олди[2;Б.48].

Ҳунармандларни артелларга қамраб олишнинг мураккаб ва зиддиятли шарт-шароитларини “Правда Востока” газетасининг 1925 йил 25 июндаги сонининг “Рабочие письма” иловасида келитирилган ҳунармандларнинг бир қатор муроҷжатларини билишимиз мумкин. Ҳунарманд Сайқуловнинг мурожаатига кўра; —Биз Эски шаҳардаги тунукасозлар жуда кўпмиз ва жуда катта солиқлар тўлаймиз. Тенглаштирувчи солиқ тунукасозлардан 18, 25, 30, ҳатто 40 рублгача олинди. Бу ҳар ярим йилда, кимнинг қандай устахонаси борлигига қараб белгиланди. Ҳамма патент олади ва даромад солиғини тўлайди. Илгари эса энг кичик раста учун ҳам йилига 200 рубл тўланар эди, айримлари учун эса 400 рублгача тўлашга тўғри келарди. Албатта, бу жуда оғир. Тунукасозлар темирни хусусий савдогарлардан сотиб олишга мажбур, чунки «Уралмет» майда улгуржига товар бермайди, бизда эса артел йўқ. Уралметда оқ инглиз темирининг бир яшиги 25 рубл туради, Эски шаҳарда эса у 30 рубл. Хусусий савдогарлар бизга товарни қарзга ҳам беришади, лекин бу бизни қониктирмайди. Бизга «Уралмет» темир листларини 1–2 яшиқдан чиқариб бериши керак. Бу жуда муҳим, чунки хусусий савдогарларга ортикча тўлаётган пулларимиз маҳсулотларимиз нархига қўшилиб кетяпти. Ишлаб чиқаришимизни ривожлантириш учун буюмларимизни арзонлаштириш жуда муҳим, аммо ҳозирги шароитда бунга эриша олмаёпмиз. Бизга темирни қарзга бериш керак. Ҳозиргача тунукасозлар орасида ҳеч қандай ташкилий иш олиб борилмаган. Аммо улар темир харид қилиш учун артелга бирлашишга тайёр[3]. Мана шундай мураккаб ижтимоий ва иқтисодий шароитда қолган ҳунарманд табиийки, давлат томонидан кооператив тизимларни қўллаб-қувватлашни кучайиши билан боғлиқ ҳолда артелларга бирлаша бошлади. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнини хусусийдан умумийга ўтиб боришида ҳал қилувчи рол ўйнади. 1925 йилда СССР МИҚ ва ХКС нинг қишлоқ қосиб ва ҳунармандлари учун солиқ имтиёзлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қишлоқ жойларида яшаб, ишлаётган барча қосиб ва ҳунармандлар агар улар ўз ишида ёлланма меҳнатдан фойдаланмасдан, якка тартибда ёки ўзлари билан бир хўжаликка мансуб оила

аъзолари ёрдамида шуғуллансалар, махсус жиҳозланган корхоналар мавжудлигига ва механик двигател қўлланилишига қарамасдан, ҳунармандчилик солиғидан озод этилдилар. Ушбу кўрсатилган косиб ва ҳунармандлар, агар улар ҳунармандчилик кооперацияси аъзоси ёки артель аъзоси бўлсалар ҳам, иш уйда ёки артелнинг умумий устахоналарида бажарилишидан қатъи назар, ҳунармандчилик солиғидан озод қилиндилар.

Лекин кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, битта ёлланма ишчи меҳнатидан фойдаланадиган қишлоқ косиб ва ҳунармандлари, махсус жиҳозланган корхоналар мавжудлигига ва механик ҳаракатлантирувчи қурилмалар қўлланилишига қарамасдан, биринчи разряд патентини оладилар[4]. Ушбу қарорда ҳам ҳунармандларни ижтимоий ҳолати ва ёлланма меҳнатдан фойдаланиши асосий мезон сифатида олинди ҳамда майда товар ишлаб чиқарувчиларни социалистик хўжалик тизимига жалб этишда муҳим рол ўйнади.

Муҳокама. Дастлабки йилларда косиб ва ҳунармандларни кооперативлаштириш жараёнида уларнинг ишлаб чиқариш базаси деярли умуман ўзгартирилмади. Ташкил этилган артелларда меҳнат қуроллари ва ишлаб чиқариш воситалари амалда эски хўжайиннинг мулки бўлиб қолар эди, у эса ўзининг шогирдлари билан эски анъаналар асосида ишлаган. Бу ҳолат айниқса эски шаҳарларда, уларнинг жойлашган марказларида яққол кўзга ташланарди, бу ерларда ҳунарманд ишлаб чиқариш қуролига эгалик қилувчи шахсга тўлиқ қарам ҳолда бўлар эди. Масалан, ипакчилик ҳунармандчилигида, кўп ҳолларда иш тукув станоклари ва катта бинога эга бўлган эгасининг уйида олиб борилад эди. Демак, кўп ҳолларда ишлаб чиқариш муҳити ҳам, ишлаб чиқаришнинг техник базаси ҳам ўзгаришсиз қолган. Кўпгина ҳунармандчилик соҳаларида, масалан, металлга ишлов беришда, ёғочга ишлов беришда, чарм оёқ-кийим, тўқимачилик ва бошқа қатор соҳаларда ҳар бир артел устахонаси ўзига хос ишлаб чиқариш оиласи бўлиб, унинг таркиби тўғридан-тўғри қариндошлардан иборат эди, кўп ҳолларда ота ва ўғиллардан ёки ака-укалардан ҳамда бошқа қариндошлардан ташкил топган. Масалан, Самарқанд шаҳридаги «Қуёш» артели 30 тадан ортиқ кичик устахоналардан иборат бўлиб, кетмонлар, ўроқлар, тақалар, мола учун қисмлар ва бошқа металл буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланган ва 80 фоиздан ортиғи қариндошлардан иборат эди. «Қуёш» артелидаги ҳар бир устахонада ишлаб чиқариш устаси автоном хўжайин ҳисобланар эди. У артелдан ёки буюртмачилардан хомашё олиб тайёр маҳсулотни топширар эди. Устахона бўйича барча ҳисоб-китобларни, ҳатто ўз шогирдларига иш ҳақи тўлашгача бўлган ишларини ўзи амалга оширар эди[6;Б.35].

Олиб борилган тарғибот ва совет ҳокимиятини артелларга уюшган ҳунармандлар учун берилган имтиёзлар натижасида артеллар ва уларнинг уюшмалари фаолияти тобора жонланиб борди. Масалан, 1927 йилда Тошкент косиб-ҳунармандчилик уюшмаси халқ хўжалигини тиклаш якунланиши муносабати билан айниқса яхши натижаларга эришди. Унинг асосий капитали тахминан ўн бир минг рубль ва капитал қўйилмалари эса 666 минг рублни ташкил этган. Ишчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони 2465 нафаргача ошди, шулардан паст даромадли аҳоли қатламидан бўлганлар 804 нафар эди. Бир ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи 84 рублга етди[2;Б.50].

Ҳунармандчилик кооперацияси бир қатор тузималарга эга бўлиб улардан бири 1925-1926 йилларда ташкилий-инструкторлик бўлими фаолият олиб борди ва инструкторларнинг фаолияти жойлардаги тезкор топшириқлар билан боғлиқ эди. Жумладан, ташкилий бўлимнинг асосий вазифаси артеллардаги ижтимоий таркибни «тозалаш»дан иборат бўлди[8;Б.291]. Бундан ташқари аёлларни кооперацияга жалб қилиш билан махсус шуғулланиш учун ташкилий бўлим аппаратида махсус «аёллар инструктори» лавозими киритилди[8;Б.293].

1929 йил 16 сентябрь–октябрда қабул қилинган қарорда Бутуниттифоқ КП МҚ жисмоний тарбия ишларининг аҳволини қониқарсиз деб ҳисоблаб, мамлакатда жисмоний тарбия ишларидаги парокандаликни бартараф этиш, унга юқори даражада ташкилотчилик ва режалилик киритиш, жисмоний тарбия ишларининг умумий кўламларини имкони борича кенгайтириш, ишчи оммани жисмоний тарбия ҳаракатига жалб этишни таъминлаш,

кишлоқда жисмоний тарбия ишларини кучайтириш зарур, деб эътироф этди. Ушбу қарор сиёсий жиҳатдан бошланғич ҳужжат бўлиб хизмат қилди ва жисмоний тарбия ишларини кенг ёйиш ҳамда бутун жисмоний тарбия ҳаракатини қайта қуриш учун асос қилиб олинди.

Мамлакатда жисмоний тарбия ҳаракатининг умумий юксалиши билан бир қаторда, хунармандчилик кооперациясида ҳам 1927 йилдан бошлаб жисмоний тарбия тўғараклари ташкил этила бошлади. 1931 йилда Бутуниттифок кооператив кенгаши президиуми бу жисмоний тарбия тўғаракларини бирлаштириш, уларга раҳбарликни йўлга қўйиш, жисмоний тарбияни, энг аввало, артелларда ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилиб, Бутуниттифок кооператив саноат кенгаши президиуми ҳузурида жисмоний тарбия бюросини ташкил этиш тўғрисида қарор чиқарди. 1934 йил август ойида ихтиёрий жисмоний тарбия жамиятини ташкил этишга тайёргарлик бошланди. 1935 йил январ ойида Бутуниттифок кооператив хунармандчилик кенгаши президиуми уставни тасдиқлади. Жамиятга «Спартак» номи берилди[5;Б.26]. Артель аъзолари ва маданий фонд маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган «Спартак» жамияти кооператив аъзоларининг ижтимоий, маданий-маърифий соҳалардаги эҳтиёжларини қондириш билан бирга, ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик масаласида ҳам фаолият олиб борди. Бутуниттифок «Спартак» кўнгиллилар спорт жамиятини таъминлаш учун артеллар ўз корхоналари фойдасининг 6 фоизини ажратган бўлиб, ўз ўрнида ушбу ажратмалар мажбурий ва қатъий қилиб белгиланган.



Главная команда спортивного общества, “Спартак” на праздничной демонстрации на площади им. В.И.Ленина. 1940 год. Ташкент.

Кооперативлаштирилган косиб ва хунармандлар фаолиятида иқтисодий манфаатлар билан бир қаторда ижтимоий вазифалар ҳам муҳим ўрин тутди. Кооперативлар ишсизликни қисқартириш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини иш билан таъминлаш, маҳаллий эҳтиёжлар учун зарур товарлар ишлаб чиқаришда иштирок этдилар. Жумладан, 1928 йил 15 сентябрда Ўзбекистон ССР ХКС ва МИҚ “Хунармандчилик кооперациясининг ўзаро ёрдам кассалари ҳақида” қарор қабул қилди. Унга кўра хунармандчилик кооператив уюшмаларига, аралаш турдаги кооперативлар, шунингдек, хунармандчилик-кредит кооперативларига юқоридаги ташкилотлар таркибига кирадиган жисмоний шахслар яъни касса аъзоларига хизмат кўрсатиш учун ўзаро ёрдам кассасини тузиш ҳуқуқи берилди. Ўзаро ёрдам кассаларининг Низомини бундай кассаларнинг асосчилари- таркибида камида 50 нафар жисмоний шахсни бирлаштирган бир ёки бир нечта юридик шахс рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиши белгилаб қўйилди[7;Б.41]. Ўзаро ёрдам кассаси ўз олдида касса хизматидан фойдаланувчи иштирокчиларига тиббий ёрдамнинг барча турларини кўрсатиш, вақтинчалик ёки доимий меҳнат қобилятини йўқотганда, ишсизлик, ногиронлик ва бошқа эҳтиёж

ҳолатларида жумладан, ҳомиладорлик ва туғиш, болани озиклантириш ва тарбиялаш, табиий офатлардан етказилган зарарни қоплаш ҳамда бошқа ҳолларда нафақа тўлаш, аъзолари ўртасида санитария, маданий-маърифий ишлар олиб бориш каби вазифаларни қўйди [7; Б.42]. Бундан ташқари Ҳунармандчилик кооперацияси фаолиятида маърифий ва маданий-оммавий ишларга муҳим ўрин берилди. Бу ишлар кооперативлаштирилган майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг умумий маданий даражасини ошириш билан бир қаторда, соф сиёсий мақсадларни ҳам қўзлади, яъни артел аъзоларини социалистик қурилишга жалб этиш, мавжуд тузумнинг асосий қоидаларини аҳоли онига сингдиришни назарда тутди.

Хулоса. 1920-йиллар охирида давлат кооперацияни тўлиқ бўйсундиришга ўтди. Масалан, тозалашлар ўтказилди, тажрибали кадрлар четлаштирилиб, уларнинг ўрнига партия аъзолари қўйилди, иқтисодий усуллар ўрнига маъмурий- буйруқбозлик авж ола бошлади. Умуман олганда, ҳунармандчилик кооперацияси мураккаб ва зиддиятли ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, унинг ривожланиши совет давлатининг унга нисбатан ривожланишнинг турли даврлардаги турлича сиёсати, бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва миллий хусусиятларнинг ўзаро таъсирида натижасида ривожланиб борди. Бир томондан, давлат ҳунармандчилик кооперацияси орқали аҳолини иш билан таъминлаш, маҳаллий саноатни тиклаш ва истеъмол бозорини товарлар билан тўлдиришни мақсад қилган. Иккинчи томондан эса, кооперативлар фаолияти устидан қатъий маъмурий ва сиёсий назорат ўрнатилган эди.

Фойдланилган адабиётлар рўйхати

1. Desatcikov B, Ponomarov P, Viskov A. –Hunar-sanaat kooperatsiyasinin xamashya va texnika bazasini qayta qurush ucun. –Tashkent: OzSSR Davlat Nashriyati, 1935.
2. Исхаков П.И. Классовая борьба в городах Узбекистана в период НЭПа и создания экономического фундамента социализма. (1921 – 1932 гг). Автореф. Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1973.
3. О чём пишут кустари./Рабочие письма. Правда Востока. 1925 г. 25 июнь.
4. Постановление Центрального исполнительного комитета и Совета народных комиссаров Союза ССР о налоге в и льготах для деревенских ремесленников и кустарей/ Правда Востока. 1925. № 121(721).
5. Путь «Спартак». // Промысловая кооперация. 1937. № 19-20.
6. Цыпкина М.А, Развитие промысловой кооперации Узбекистана. Дисс. канд. эконом. наук. Ташкент. 1953.
7. ЎзМА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4630-йиғма жилд
8. ЎзМА, Р-89-фонд, 1-рўйхат, 384-йиғма жилд
9. ЎзМА, Р-93-фонд, 1-рўйхат, 156-йиғма жилд
10. Ўз МА, Р-303-фонд, 1-рўйхат, 106-йиғма жилд
11. Бухоро ВДА, 344-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд

«MA'MUN SCIENCE» JURNALI

ЖУРНАЛ «MAMUN SCIENCE» JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

Maqolani tayorlashda qo'yiladigan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida minimal 6 sahifadan iborat bo'lib, Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan holda bo'lishi shart.
2. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
3. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni, e-mail va telefon raqami, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
4. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida 60 so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
5. Keyingi qatordan 7-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
6. Keyingi qatordan asosiy matn boshlanadi va maqola 4 qismdan iborat bo'ladi: Mavzuning dolzarbligi. Metodlar va o'rganilganlik darajasi. Tadqiqot natijalari. Xulosa.
7. Maqolalar ilmiy ahamiyatga ega bo'lib, ulardagi fakt va fikrlar asoslangan hamda mustaqil ma'no kasb etishi lozim, plagiat holati taqiqlanadi. Muallif foydalanilgan adabiyotlarni aniq ko'rsatishi, olingan iqtiboslarning aniq manbalarini keltirishi lozim.
8. Web of science hamda Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.
9. Iqtiboslar matn ichida [1, 25] beriladi. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статьи должны содержать 6 страниц, в формате Times New Roman на Microsoft Word, 12 кегль, 1 см, со всех сторон 2 см.
2. Начала абзаца - 1,25 см, формировать строки по ширине, перенос слов в другой ряд должен быть в автоматическом порядке.
3. В первой строке от правой стороны Ф.И.О. автора, во второй строке место работы, должность, ученая степень и ученое звание, e-mail и номер телефона, в третьей строке по центру страницы прописными буквами жирным шрифтом название статьи. Эта информация должна быть предоставлена на узбекском, английском и русском языках.
4. В следующей строке аннотация из 60 слов на трех языках: узбекский, английский и русский.
5. Со следующей строки ключевые слова 7-10.
6. Далее начинается основной текст. новой текст начинается со следующей строки, и статья состоит из 4 частей: актуальность темы, методы и уровень исследования, результаты исследования, заключение.
7. Статьи должны иметь научное значение, факты и идеи должны быть обоснованными и избежать плагиатства. Автор должен точно указать использованную литературу и ссылку на источники, при помощи которых он выразил свое мнение.
8. Сноски или ссылки должен быть взяты из Web of science, а также системы журналов Scopus.
9. Цитирование приводится в тексте [1, 25] Полный список литературы должен быть указан после основного текста, а алфавитном порядке.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles should be at least 6 pages, in Times New Roman, 12 pt., 1 inter.
2. The line head should be 1,25 cm, line spacing, and the words should be automatically moved.
3. The author's full name should be on the first line from the right; the author's place of work, position, academic degree, and academic rank, email address, and phone number should be on the second line; the article title should be centered in bold, capital letters, on the third line. This information should be provided in Uzbek, English, and Russian.
4. An annotation of 60 words in the next line in three languages.
5. Key words from the next row in three languages 7-10.
6. The next line begins with the main text. The main text begins on the next line, and the article consists of four parts: the relevance of the topic, the methods and level of research, the results, and the conclusion.
7. Articles must be of scientific importance and facts and opinions in the article should be well-grounded and have an independent meaning, and they must be free of plagiarism. The author must clearly demonstrate the literature used in his or her opinion, and provide the exact sources of the extracts.
8. Quotes should be from "Web of science" and "Scopus" journals.
9. A complete list of publications should be followed in alphabetical order after the main text. Seals and references should be in the main text [1, 25].